

Date: 7th May-2026

ДАВЛАТНИНГ ТАШҚИ ҚАРЗИНИНГ ЖОРИЙ ҲОЛАТИ, ИМКОНИЯТЛАР
ВА РИСКЛАР.

Сулаймонова Мунираҳон

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Қўмитаси ҳодими
и.ф.ф.д (Phd)

Ўзбекистон Республикасида давлат қарзи ва уни бошқариш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш қонун билан амалга оширилади.

Шунга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 29 апрелдаги ЎРҚ-386 сонли «Давлат қарзи тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди.

Давлат қарзи — Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи маблағларини жалб қилиш натижасида юзага келган мажбуриятлари ҳисобланади.

2025 йил 1 январ ҳолатига Ўзбекистон Республикаси давлатнинг жами қарзи **40,2 млрд** АҚШ доллар эквивалентга ёки ЯИМ нисбатан улуши **35 фоизни** ташкил этади (2024 йил ЯИМ миқдори 115 млрд доллар).

Шундан **ташқи қарзи 33,7 млрд** АҚШ доллар ЯИМ нисбатан улуши **29,3 фоиз**, **ички қарзи 6,5 млрд** АҚШ доллар ЯИМ нисбатан улуши **5,6 фоизни** ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси давлатининг ташқи қарзининг таркиби бўйича халқаро молия институтлардан 19,1 млрд АҚШ доллар **57 фоиз**, хорижий ҳукуматларнинг молия ташкилотларидан 10,4 млрд АҚШ доллар **31 фоиз** ва инвесторлардан 4,1 млрд АҚШ доллар **12 фоизни** ташкил этади.

ДАВЛАТ ТАШҚИ ҚАРЗИНИНГ ТАРКИБИ Тўғрисида МАЪЛУМОТ

Т/р	Кўрсаткичлар номи	2024 йил	
		Суммаси млн АҚШ доллар	Жамига нисбатан фоизда
1	Давлат ташқи қарзи, жами	33 720	100%
1.1.	Халқаро молия институтлари	19 141	57%
	Осиё тараққиёт банки	7 415	22%
	Жаҳон банки	7 639	23%
	Ислом тараққиёт банки	944	3%
	Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки	1 652	5%
	Халқаро валюта жамғармаси	669	2%
	Европа тикланиш ва тараққиёт банки	341	1%
	Бошқа ХМИлар (Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш жамғармаси, «ОПЕК» жамғармаси ва ЕИБ)	481	1%



Date: 7th May-2026

1.2.	Хорижий ҳукуматларнинг молия ташкилотлари	10 444	31%
	Хитой тараққиёт давлат банки, Хитой ЭКСИМ банки ва бошқалар	3 767	11%
	Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги ва бошқалар	2 889	9%
	Корея ЭКСИМ банки, Корея иқтисодий тараққиёт жамғармаси ва бошқалар	740	2%
	Франция тараққиёт агентлиги ва бошқалар	977	3%
	Саудия тараққиёт жамғармаси	139	0%
	Германия давлат банки	415	1%
	Испания давлат банки	66	0%
	Бошқалар	1 450	4%
1.3.	Инвесторлар	4 135	12%
	Халқаро облигациялар	4 135	12%

Ташқи қарз тақсимоти таркиби.

Ўзбекистон Республикасининг 2024 йилда ташқи қарзи тақсимланиши бўйича давлат бюджетини қўллаб-қувватлаш учун **15,3 млрд**, ёқилғи-энергетика саноати учун **5,7 млрд**, транспорт ва инфратузилмани ривожлантириш учун **2,9 млрд**, қишлоқ ва сув хўжалигини ривожлантириш учун **2,9 млрд**, уй-жой коммунал хўжалиги учун **2,9 млрд**, соғлиқни сақлаш, таълим ва ахборот-коммуникация технологиялари каби соҳалар учун **2,5 млрд**, тадбиркорлик фаолияти ва саноат ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш учун **0,8 млрд** ҳамда кимё саноатни ривожлантириш учун **0,8 млрд** АҚШ доллар йўналтирилган.



Date: 7th May-2026

2. Ташқи қарз бўйича рисклар.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан давлатнинг қарзи бўйича рискларни инобатга олган ҳолда “Давлат қарзи тўғрисида”ги Қонунининг 35-моддасида “давлат қарзининг энг юқори миқдори ЯИМнинг йиллик прогноз кўрсаткичига нисбатан **60 фоиздан** ошмаслиги керак”лиги белгилаб қўйилган.

Шунингдек, Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармасининг тавсияси ҳамда таснифига кўра, иқтисодиёти ривожланаётган, бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги мамлакатлар учун жами давлат қарзи ЯИМга нисбатан **75 фоиздан** (дисконтланганда 70 фоиз), давлат ташқи қарзи ЯИМга нисбатан **55 фоиздан** (дисконтланганда 50 фоиз) ошмаслиги тавсия этилган.

Ўзбекистон Республикасининг 01.01.2025 ҳолатига давлат қарзи **40,2** млрд АҚШ доллар ЯИМ нисбатан 35 фоиз 2023 йил билан таққослаганда **115 фоизга** ошган (2023 йилда 35,9 млрд АҚШ доллар).

Шу билан бирга давлатнинг ташқи қарзи билан боғлиқ бир қанча хатарлар мавжуд.

- валюта курсларининг ўзгариши бу миллий валюта қадрсизланишига таъсир қилади;

- фоиз ставкаларининг ўзгариши инфилатцияни оширади;

Шунингдек, қарз маблағларини самарасиз ва мақсадсиз йўналтириш иқтисодий фойда келтирмайдиган, ижтимоий аҳамияти паст лойиҳаларга сарфланиши қарзни қайтара олмаслик хавфини оширади. Қарзнинг валютасига эътибор берилмаслиги қарзларни доллар, евро каби хорижий валюталарда олиб, кейин миллий валюта қадрсизланганда жуда катта тўловлар юзага келади.

Сўнги йилларда ташқи қарзнинг асосий қисми **бюджетни қўллаб қувватлаш** учун йўналтирилмоқда яъни 2025 йил 1 январ ҳолатига **45 фоизи** ёки **15,3** млрд АҚШ доллар миқдориди давлат бюджетни қўллаб қувватлаш учун йўналтирилган бу кўрсаткич 2023 йил ҳолатига нисбатан **130 фоизга** ошган.

Давлат бюджетни доимий равишда қарз маблағлар ҳисобидан қўллаб-қувватлаш мамлакатни **ташқи қарзга бўлган қарамликка** олиб келиши мумкин.

2020-2024 йиллар кесимида ташқи қарз ҳисобидан йўналтирилган маблағлар тақсмоти тўғрисида маълумот



Date: 7th May-2026

Йўналтирилиши	2020 йил		2021 йил		2022 йил		2023 йил		2024 йил	
	млрд доллар	улуши	млрд доллар	улуши	млрд доллар	улуши	млрд доллар	улуши	млрд доллар	улуши
Жами ташқи қарз	21,1	100	23,6	100	25,9	100	29,6	100	33,7	100
Бюджетни қўллаб қувватлаш учун	4,3	20%	5,9	25%	8,6	33%	11,7	40%	15,3	45%
Yoqilg'i-energetika sanoati	5,6	27%	5,9	25%	5,8	22%	5,8	20%	5,7	17%
Transport va transport infratuzilmasi	2,4	11%	2,5	11%	2,5	10%	2,8	9%	2,9	8%
Qishloq va suv xo'jaligi	2,3	11%	2,4	10%	2,5	10%	2,7	9%	2,9	9%
Uy-joy kommunal xo'jaligi	2,0	10%	2,2	9%	2,3	9%	2,6	9%	2,9	8%
Tadbirkorlik faoliyati va sanoat ishlab chiqarishni qo'llab-quvvatlash	1,4	7%	1,4	6%	1,1	4%	1,1	4%	0,8	2%
Kimyo sanoati	1,0	5%	1,2	5%	1,0	4%	0,9	3%	0,8	2%
Sog'liqni saqlash, ta'lim, axborot va kommunikatsiya texnologiyalari hamda boshqa sektorlar	2,0	9%	2,1	9%	2,0	8%	2,1	7%	2,5	7%

3. Ташқи қарз бўйича имкониятлар.

Давлат ташқи қарз олиш орқали иқтисодий ривожланиш ва ислохотларни молиялаштириш янги иш ўринларни яратиш имкониятига эга бўлади.

Сўнги йилларда Ўзбекистон Республикаси ҳам ташқи қарз олиш орқали иқтисодий ўсишга эришилди. Бу ўз навбатида сўнги беш йилда ЯИМ қариб **2 баробарга** ошиб 2024 йилда ЯИМ ҳажми **115 млрд АҚШ долларга** етишига эришилди (2019 йилда 58,3 млрд АҚШ доллар).

Ўзбекистон ҳам ташқи қарз ҳисобига қуйидаги натижаларга эришди.

1. Инфратузилмани яхшиланишига;
2. Ишлаб чиқариш ва экспортни ошишига;
3. Аҳоли турмуш сифатини яхшиланишига;
4. Халқаро молия тизимидаги мавқеини оширишга.

Инфратузилмаларни яхшиланиши бўйича энергия, сув таъминоти, транспорт, йўл қурилиши ишлари олиб борилди.

Мисол учун: Тошкент метросининг кенгайиши, Навоий–Бухоро–Муйноқ автойўли қурилиши, қуёш электростансиялари қўпайишига эришилди.



Date: 7th May-2026

Саноат ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича ташқи қарз ҳисобига замонавий технологиялар билан жиҳозланган ишлаб чиқариш қувватлари олиб келинди, қишлоқ хўжалиги, енгил ва озик-овқат саноатида экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш ошди тадбиркорлик ва кичик бизнес учун кредит олиш осон ва қулай, шунингдек, халқаро бозорлар учун рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантирилмоқда.

Бундан ташқари, инфратузилма ва саноат лойиҳалари орқали минглаб янги иш ўринлари яратилади.

Аҳоли турмуш сифатини яхшиланиш бўйича ташқи қарз орқали соғлиқни сақлаш, таълим, уй-жой ва ичимлик суви таъминотини яхшиланмоқда ойлик иш ҳақи ошишига пенсия стипендиялар ўз вақтида тўланишига эришилди.

Халқаро молия тизимидаги мавқейини ошириш бўйича Ўзбекистон халқаро молия ташкилотлари билан муносабатларини мустаҳкамлаб келмоқда (Жаҳон банки, Осиё Тараққиёт Банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки ва ҳ.к.).

4. Хулоса

Ўзбекистон Республикаси **ташқаридан қарз жалб қилиш даражаси** ортиб бораётган бўлса-да, иқтисодий барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлиб, йиллик ўсиш **6,0-6,5** фоизни ташкил этмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон олтин-валюта захиралари **2025** йил **1** январь ҳолатига кўра, **41,1** млрд АҚШ долларини ташкил этди ва ташқи қарз миқдори хавотирли даражада эмас.

Шу ўринда кўплаб мамлакатлар, хусусан ривожланган мамлакатлар ҳам ўнлаб йиллар давомида юқори давлат қарзи билан яшаб келмоқда. Мисол учун, Франция, Италия ва Японияда бу кўрсаткич 100 фоиздан ошади. 2024 йилда Франциянинг умумий ташқи қарзи мамлакат ЯИМнинг 236 фоизини ташкил қилган ҳолда 7,3 трлн долларни, Италиянинг ташқи қарзи мамлакат ЯИМнинг 129 фоизини ташкил қилиб, умумий ташқи қарз 2,6 трлн долларни ташкил этган. Япониянинг ташқи қарзи эса 2024 йилда ЯИМнинг 102 фоизини ташкил қилган ҳолда умумий ташқи қарзи 4,3 трлн долларга етган.

